
Ўзбекистон туманида чигит экиш ишлари айни авжида

Айни кунларда Ўзбекистон туманидаги пахта-ғаллага ихтисослашган фермер хўжаликларида жорий йил ҳосили учун чигит экиш ишлари қизғин давом [ЭТМОҚДА](#). Туманда жами 4 минг 400 гектар майдонга барака уруғи экилиши кўзда тутилган.

Экиш мавсумида хўжаликлар дала майдонларида жами 40 та, шундан 16 та юқори унумли, 24 та оддий ўғитлаб экиш сеялқалари ишлатилмоқда.

Миришкор фермерлар пахтанинг “С-8290”, “Наманган-77” навли ва янги нав уруғларини мақбул муддатларда ерга қадаб, ўндириб олиш пайида.

Ана шундай хўжаликлардан бири “Аюбжон Шокиржон” фермер хўжалиги миришкорлари 22,3 гектар майдонга яхши ниятда барака уруғларини қадашмоқда.

2023-03-27 09:55:15